



Q A R O R

2004 йил « 2 » 02

№ 186-К

Фермер хужалигига кушимча ер ажратиш тугрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кишлоқ хужалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тугрисида» 2003 йил 24-мартдаги ПФ-3226-сон, «2004-2006 йилларда фермер хужалиқларини ривожлантириш концепсиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида» 2003 йил 27-октябрдаги ПФ-3342-сон фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30-октябрдаги 476-сонли ҳамда вилоят хокимининг 2003 йил 6-ноябрдаги 258-К сонли «2004-2006 йилларда фермер хужалиқларини ривожлантириш концепсиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида»ги қарорига ҳамда туман хокимининг 2003 йил 6-ноябрдаги 489-К сонли қарорига асосан кишлоқ хужалиқ маҳсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хужалиқларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек кишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида, _____нинг фермер хужалигига кушимча ер майдони ажратиш тугрисидаги аризаси инобатга олиб

Қ А Р О Р К И Л А М А Н :

- 1.Туман хокимлиги қошида ташкил этилган, ширкат хужалиқлар негизида фермер хужалиқлар ташкил этиш комиссиясининг 2003 йил 3-декабрдаги 2-сонли баённомасига асосан, «Янгиобод» ширкат хужалигидаги «BESHBOLA» фермер хужалигига 40-контурдан, жами ери -4,7 гектар, шундан: сугориб ҳайдаладиган ер -4,4 гектар, ариқлар -0,1 гектар, Йуллар 0,2 гектар ер майдони кушиб берилсин.
2. «BESHBOLA» фермер хужалигига «Самдаверлойиха» олийгоҳи мутахассисларининг 2003 йил 3-декабрдаги қайта йуқлама қилиш далолатномасига асосан тузилган ерларни ҳисоблаш қайдномаси тасдиқлансин.
- 3.Туман ер ресурслари хизмати (Б.Абдураззоков)га ер кадастр ва бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонларини тегишли меъёрий хужжатларни ва давлат гувоҳномасини тайёрлаш;
-ДФХУ вакиллиги директори (А.Олимов)га «BESHBOLA» фермер хужалигини тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузишни ва шартномани бажарилишини ҳамда ердан оқилона фойдаланишни назорат қилиш;
-туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Жураев)га «BESHBOLA» фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш, солиқ ва бошқа мажбурий туловларини тартибга солиш;
-туман статистика булими (З.Эргашев)га «BESHBOLA» фермер хужалигининг статистик ҳисоботларини тугри олиб бориш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.
- 4.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман хокимининг биринчи уринбосари Ю.Абдимуродов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими :-

Ш.Негматов